XALQ DEPUTATLARI BUXORO VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 19 - aprel VI-53-49-2-0-K/22 Buxoro viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарорининг ижроси юзасидан меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари чегаларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарорининг 1-иловасида меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туманлар ва шаҳарлар рўйхати келтирилган бўлиб, ушбу рўйхатга Бухоро вилоятидан Когон ва Ромитан туманлари киритилган. Бунда, туманлар ва шаҳарларнинг туризм ҳудудлари чегаралари Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бош бошқармалари хулосалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, вилоят Туризм ва спорт ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаларининг хулосасини муҳокама қилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон қарорининг 1-иловасида меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган рўйхатга Бухоро вилоятидан Когон ва Ромитан туманлари киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Когон ва Ромитан туманларидаги меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бухоро вилоят солиқ бошқармаси (М.Маматханов)га махсус солиқ режими қўлланилган ҳудудларда Ўзбекистон Республиксми Президентининг мазкур қарорида белгиланган талаблар асосида амалга ошириш юклатилсин.

4. Мазкур қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ж.Шаропов) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Б.Зарипов**

Xalq deputatlari Buxoro viloyat
Kengashining
2022 yil 19 apreldagi
VI-53-49-2-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Меҳмонхона (жойлаштириш воситалари), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туманлардаги туризм ҳудудлари

РЎЙХАТИ

Т/р	**Туманлар номи**	**Ҳудудлар (МФЙ) номи**
1.	Ромитан	“Марзия” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
		“Самосий” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
		“Азизон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
		“Хоса" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
2.	Когон	“Ниёз Ҳожи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
		“Чолоки” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди